2010-yil 23-yanvar № 10 (2735) shanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

Энг муҳими, бугун одамларимизнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ёнатрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанидан ғурур ва ифтихори, келажакка ишончи кунданкунга тобора ошиб бораётганини кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 50-моддасига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари этиб тайинлансин:

Фармонов Александр Қосимович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директори

Санақулов Қувондиқ — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори

Тян Валерий Николаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори

Турсунбоев Йўлчибой Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судяси

Муҳамедов Ғафуржон Исроилович — Ўзбекистон Миллий университети ректори

Ртвеладзе Эдвард Василевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти бўлими мудири

Акбарова Фарида Шорахимовна — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси

Аҳмедов Анвар Акмалович — «Маҳалла» жамғармаси раиси

Солиҳов Шавкат Исмоилович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

Усмонов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг доимий асосда ишловчи аъзоси

Боқибоев Эркин Жўраевич — Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси

Сафоев Содиқ Солиҳович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси

Раҳмонқулов Миракбар Ҳожиакбарович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари

Ортиқова Светлана Боймирзаевна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг қонунчиликни ҳуқуқий тарғибот бўлими бошлиғи

Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович (Иқбол Мирзо) — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январ

Марказий сайлов комиссиясида

22 январ куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М. Абдусаломов олиб борди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 58-моддасига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2010 йил 20-22 январ кунлари бўлиб ўтган сайлов натижалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган 84 нафар аъзо рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида таъкидланганидек, ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш бўйича қўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди. Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ, Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан Оқсоқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови Марказий сайлов комиссияси аъзолари иштирокида, очиқ ва ошкора ўтгани таъкидланди. Қонунчилик бузилиши билан боғлиқ бирор-бир ҳолат қайд этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16 нафар аъзоси тайинланди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 10-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини 2010 йил 25-26 январда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сенатнинг 16 нафар аъзосини тайинлаш тўғрисидаги фармони матбуотда эълон қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2010 йил 25-26 январ кунлари Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биринчи мажлисининг кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қўмиталарини шакллантириш ва уларнинг раисларини сайлаш билан боғлиқ ташкилий масалаларни киритиш таклиф этилсин.

3. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси **М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 2010 йил 26 январ куни соат 11.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мажлисига келган Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида 2010 йил 25 январда соат 9.00 дан 18.00 га қадар рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 22 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчиликка мувофиқ мажлисни Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов очди. У Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов натижалари тўғрисида ахборот берди, янги сайланган депутатларни табриклаб, мажлиснинг кун тартибини тасдиқлаш таклифини киритди.

Кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи мажлисининг муваққат котибиятини, шунингдек электрон овоз бериш тизимидан фойдаланишни назорат қилувчи муваққат гуруҳни сайладилар.

Марказий сайлов комиссияси раисининг таклифига кўра ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун Оқсоқоллар кенгашини туздилар.

Оқсоқоллар кенгаши ўз мажлисини ўтказиши учун эълон қилинган танаффусдан сўнг Марказий сайлов комиссиясининг раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери лавозимига номзод бўйича Оқсоқоллар кенгашининг таклифини ўқиб эшиттирди. Депутатлар яширин овоз бериш орқали Дилором Тошмуҳамедовани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайладилар.

Депутатлар Оқсоқоллар кенгаши томонидан таклиф этилган ҳар бир номзод учун овоз бердилар ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг раҳбари Бахтиёр Ёқубовни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг раҳбари Улуғбек Вафоевни, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг раҳбари Улуғбек Муҳаммадиевни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг раҳбари Исмоил Саифназаровни, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи раҳбари Борий Алихоновни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари этиб сайладилар.

Қонунчилик палатаси, шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур мажлис арафасида сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг тегишли фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи тузилди ҳамда уларнинг раҳбарлари сайланди.

Мажлисда парламент қўйи палатасининг тегишли қўмиталарини тузиш тўғрисида, шунингдек, Қонунчилик палатаси қўмиталари раислари лавозимига номзодлар бўйича қарорлар қабул қилинди, депутатлар мазкур қўмиталар сони ва номларини тасдиқладилар.

Депутатлар тегишли қўмиталарнинг раисларини сайладилар.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида

Баркамол авлод – тараққиёт асоси

Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг мажлислар залида Ёшлар кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ЎзКУФК бўлим мудирлари Вали Кочкаров, Аскарали Султонов, Урал Адилов, Ашур Асадов ва элликка яқин касаба уюшма фаоллари иштирок этди. Йиғинни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари, Ёшлар кенгаши раиси Нормамат Аллаёров бошқарди. Мажлисда Ёшлар кенгашига янги аъзоларни сайлаш, кенгашнинг 2010 йилги иш режасини тасдиқлаш, федерациянинг ёшларга оид сиёсати концепцияси, ЎзКУФга аъзо ташкилотларнинг ёшлар билан иш олиб боришдаги тажрибалари тўғрисидаги масалалар кўрилди.

Дунё мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши натижасида ишсизликнинг кўпайиши, турмуш даражасининг пасайиши ёшларга ҳам таъсир этмасдан қолмайди. Мажлисда ЎзКУФнинг жаҳон миқёсида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатиш, бу хавфнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ҳукумат дастурининг бажарилишига кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган ёшларга оид сиёсати концепцияси муҳокама қилиниб, тасдиқланди.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, дунёқарашини кенгайтириш, ёшларга оид давлат сиёсатининг бажарилиши бўйича республика касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар ва бу борадаги вазифалар ҳақида маърузалар тингланди. Жумладан, ЎзКУФК меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими ёшлар билан ишлаш гуруҳи етакчи мутахассиси, ЎзКУФ Ёшлар кенгаши масъул котиби Зафар Исмоилов «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ташкилотларнинг ёшлар билан иш олиб боришдаги тажрибаси тўғрисида»ги маърузасида шундай деди:

— Ёшлар кенгаши 2008 йилнинг октябр ойида ташкил этилганди. Ўтган бир йилдан ортиқ давр мобайнида бизнинг кенгаш ва Федерацияга аъзо ташкилотлар қошида ташкил этилган Ёшлар кенгашлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Юртимизда иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратилган. Ҳукуматимизнинг жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозига қарши дастури ижросига кўмаклашиш мақсадида Федерация ишлаб чиққан тадбирлар асосида 2009 йил мобайнида мингга яқин ёшлар иш билан таъминланди. Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ҳамда металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма ташкилотлари томонидан ёшларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, керакли шароит яратиб бериш борасида олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқ.

Фарғона вилоятида ёшларнинг ўқишдан бўш вақтида меҳнат қилиш имкониятини кенгайтиришга кўмаклашиш борасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Бахтиёр Дадажонов, Қашқадарё вилояти касаба уюшма органлари ва вакилликлари томонидан корхоналарда ёшларнинг ўқиши, меҳнат қилиши, уй-жой билан таъминланиши бўйича вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Исоқ Аҳмедов, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Ислом Ҳамроев, Поп тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Дилшод Деҳқонов, «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши вакили Нуриддин Маматов, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлими мудири, Ёшлар кенгаши раиси Т.Меҳмонқуловнинг маърузалари юзасидан қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Анжуман сўнгида иштирокчиларнинг Темурийлар тарихи давлат музейига саёҳати уюштирилди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ
«Ishonch» мухбири
Жаҳонгир ЮНУСОВ
олган сурат

Фарғона шаҳар «Саховат» уйида тиббий ва профилактик муолажалар ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган.

«Саховат» уйи ходимларининг меҳрибонлиги, жонкуярлиги, ширинсўзлигидан отахон ва онахонлар мамнун.

Суратда: ҳамшира Гулноза Аҳмедова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Ishonch
2010-yil 23-yanvar № 10 (2735)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикерини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Тошмуҳамедова** Дилором Ғофуржоновна Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раиси М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

Б.С.Ёқубовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Ёқубов** Бахтиёр Султонназирович Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раиси М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

У.Н.Вафоевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Вафоев** Улуғбек Назарович Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раиси М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

У.Н.Муҳаммадиевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Муҳаммадиев** Улуғбек Насриддинович Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раиси М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

И.Саифназаровни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Саифназаров** Исмоил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раиси М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

Б.Б.Алихоновни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Алихонов** Борий Ботирович Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
мажлисида раислик қилувчи,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раиси М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 22 январ.

Ишонч яхши – халқ ишончи ундан ҳам яхши

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятли кечишида касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бугунги кунда юртдошларимиз уларга меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларининг ҳақиқий ҳимоячиси, ишончи, таянчи сифатида қарамоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига яқинда бўлиб ўтган сайловларда касаба уюшмаларининг бир гуруҳ етакчилари депутат этиб сайланганлиги бунинг яққол далилидир. Қуйида уларнинг рўйхатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

1. Тўхтаева Муҳаббат Абдуллаевна, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бўстонлиқ тумани бўйича вакили — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

2. Насимов Нурулла Саъдуллаевич, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси — халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати.

3. Абдуллаева Гулнора Маъруфжоновна, Андижон вилоят маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси — халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши депутати.

4. Раимова Кимёхон Тўхтасиновна, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси — халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгаши депутати.

5. Ниетуллаев Соғиндиқ Даулетиярович, Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси — Қорақалпоғистон Жуқорғи Кенгеси депутати.

6. Йўлдошев Тоҳиржон Аслиддинович, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши раисининг ўринбосари — халқ депутатлари Кармана туман кенгаши депутати.

7. Аҳмедов Абдукарим Абдураҳмонович, Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси — халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати.

8. Қодирова Муяссар Жумаевна, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси — халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати.

9. Нафасова Ойсулув, Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси — халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутати.

10. Пардаев Нусратулла Марқаевич, Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси — халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати.

11. Ражабов Эсонбой, Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси — халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати.

12. Қурбонов Жумақул Файзуллаевич, Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоят вакиллиги раҳбари — халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати.

13. Эргашев Ёқуб Наврўзович, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Шофиркон туман кенгаши раиси — халқ депутатлари Шофиркон туман кенгаши депутати.

14. Оқбўтаев Камолиддин Холқўзиевич, Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси — халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши депутати.

15. Эшназаров Қаршибой Ҳакимович, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши раиси — халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши депутати.

16. Қозихонова Орзугул Мўйдиновна, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят вакиллиги ҳуқуқшуноси — халқ депутатлари Фарғона шаҳар кенгаши депутати.

17. Жумабоева Раҳбарой Саримсоқовна, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Чортоқ туман бирлашган қўмитаси раиси — халқ депутатлари Чортоқ туман кенгаши депутати.

18. Тўлаганова Муҳайё Мирза-Алиевна, Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси — халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати.

19. Усмонова Дилбар Саидмаҳмудовна, Қибрай туманидаги «Умид гулшани» МЧЖ санаторийси директори — халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати.

20. Қаюмов Абдуназир Маннобович, «Ўзбеккўмир» ОАЖ бирлашган касаба уюшмаси раиси — халқ депутатлари Ангрен шаҳар кенгаши депутати.

21. Курбонов Илҳом Икромович, «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси раиси — халқ депутатлари Бекобод шаҳар кенгаши депутати.

22. Нурматов Фурқат Ғуломович, Бўка туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси — халқ депутатлари Бўка туман кенгаши депутати.

23. Тўлаганов Ўрмон, «Оқтош» сиҳатгоҳи бош шифокори — халқ депутатлари Бўстонлиқ туман кенгаши депутати.

24. Санаева Қуттиқиз, «Чимган» болалар санаторийсида ўқитувчи — халқ депутатлари Бўстонлиқ туман кенгаши депутати.

25. Тожибоев Рустам Баҳромович, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудири — халқ депутатлари Зангиота туман кенгаши депутати.

26. Султонсаидов Афзалхон Шукурович, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги махсус авария-тиклаш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси — халқ депутатлари Зангиота туман кенгаши депутати.

27. Маҳмадалиев Бахтиёр Ҳасанович, «Бўстон» санаторийси МЧЖ директори — халқ депутатлари Қибрай туман кенгаши депутати.

28. Ниёзов Равшан Исмоилович, «Олмалиқ ТМК» Металлург маданият саройи директори — халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар кенгаши депутати.

29. Зиявиддинов Низомиддин Камолович, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Пискент тумани кенгаши раиси — халқ депутатлари Пискент туман кенгаши депутати.

30. Давлатов Музаффар Мадаминович, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ўрта Чирчиқ тумани бирлашган қўмитаси раиси — халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ туман кенгаши депутати.

31. Носиров Абдукарим, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Чиноз тумани кенгаши раиси — халқ депутатлари Чиноз туман кенгаши депутати.

32. Полвонова Азиза Баҳромовна, Маданият ходимлари касаба уюшмаси Чиноз тумани кенгаши раиси — халқ депутатлари Чиноз туман кенгаши депутати.

Ишбилармон

Акбар лимончи

Ўзининг кафтдеккина ҳовлисида иссиқхона қуриб, субтропик манзара яратган тадбиркор ҳар бир дарахтда мингтадан ошиқ лимон етиштириб, ишбилармонлиги билан элга танилди.

Акбарнинг отаси Али бобо Худойназаров ўқитувчи ўтган. Саксон йилдан кўпроқ умр кўриб, ортида ўн нафар оқилу доно фарзандлар, невара-чеваралар қолдирган муаллим яхшигина шеърлар ёзарди.

— Отам бизни ёшликдан меҳнатни қадрлашга ўргатган, — дейди Акбар Худойназаров фахр билан.

У бундан бир неча йил илгари Грузияга, қадрдон дўстининг тўйига борганида, ҳовлисидаги цитрус ўсимликларига ҳавас билан тикилиб қолди. Буни кўрган оғайниси унга бир неча туп лимон кўчати ҳадя қилди. Мана кўрибсизки, лимонлар бизнинг тупроққа мослашиб, ўз юртидан ҳам кўпроқ ҳосил бера бошлади.

Тиниб-тинчимас тадбиркор иссиқхонасида лимон кўчатлари етиштириб, бутун вилоят, ҳатто республика ҳудудидаги корхона, ташкилотлар ва тадбиркорларга етказиб бераяпти.

— Баъзи хонадонларга ўзим экиб бераман,— дейди Акбар мамнуният билан. — Субтропик ўсимликларни ўстириш тажрибасидан кишиларни воқиф этаман. Жейновлик Қудрат Рўзиев, Қарши туманининг Қовчин қишлоғидан Мирзоҳид Назаров, нишонлик Суюн Эргашев, Ойбек Очилов, Қарши шаҳридан Пирмамат Назировларнинг иссиқхоналарига ниҳол қадаб, лимончилик тажрибасини ўргатдим.

Бултур корхоналар ва аҳолига 2 мингта ниҳол етказиб берилди. Яна икки мингта кўчат сотишга тайёр турибди. Янгиликка қизиқувчи омилкор инсон «Новогрузинский» навини чатиштириб, «Акбар» лимонини яратди.

Бир сотихли иссиқхонадан истеъмолчиларга тонналаб шифобахш мева етказиб бераётган цитрусчи тадбиркор хонадонида Хитой атиргули, кактуслар, «Айсберг» навли денгиз карами, Арабистон хурмоси каби ноёб ўсимликлар етиштирилаяпти.



**Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг
жамоатчи мухбири**

Газ таъминоти яхшиланмоқда

«Водийгазтаъминоти» унитар корхонаси Асака тумани филиали аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида, сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Ўтган йили тумандаги Юқори Бўз, Дўнг, Қайрағоч, Оқбўйра, Мирзаобод маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 15 километр газ қувурлари, Мирзаобод-Оқбўйра йўналишидаги узунлиги 4 километр ер ости газ қувури янгиланган эди.

2010 йилда Файзиобод, Конди, Янгисор маҳаллаларидаги ер ости газ қувурини таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Шунингдек, Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини Неъматобод маҳалласи, Кужган қишлоқ фуқаролар йиғини Чек маҳалласи, Мустаҳкам қишлоқ фуқаролар йиғини Хонақа маҳалласи ва Қадим кўчаларида аҳолининг газ таъминоти яхшиланди.

***Суратларда:** оператор Носиржон Холматов ва туман газ филиали техника хавфсизлиги муҳандиси Аъзамхўжа Камолов газ тақсимлаш меъёри ҳақида суҳбатлашмоқда; газ тақсимлаш шохобчаси чилангари Тўхтасин Абдуллаев.*

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА)
олган суратлар**

Орамиздаги одамлар

Бахмал туманининг Қорақишлоғида етмиш уч ёшли Жуман Нуримов деган киши яшайди. Ўн уч фарзанди, ўттиз беш невараси бор.

Фидойи

Туман йўл қурилиши ташкилотида узоқ йиллар меҳнат қилган Жуман ака қурган кўприги билан эл оғзига тушди. У ўз жамғармасидан кўприк учун зарур хомашёларни тайёрлади ва жамоатчилик кучига таяниб, Сангзор дарёси устига кўприк қуришга бош-қош бўлди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан қурилаётган йўл ва кўприклар мени бунёдкорликка ундади. Аслида ҳам элнинг дуоси ҳар қандай бойликдан афзал, — дейди у.

Жуман Нуримов боғбонликка меҳр қўйиб улғайган. Ҳовлисида аср билан юзлашган тут, ток, ўриклар бор. Катта тажрибага эга боғбон бундан ўн йилча аввал лалми ерга сув чиқаришда ташаббускорлик қилди. Ҳозир бу ер кўркам масканга айланган, 150 хўжалик истиқомат қилмоқда.

— Ҳозир табиат мусаффолигини сақлаб қолиш жуда муҳим. Шунинг учун иложи борича кўпроқ дарахт экишимиз, табиатга зиён етказмаслигимиз керак. Буни қишлоғимиздаги одамлар тушунаётганидан хурсандман, — дейди Жуман ака.

У киши кўчат етиштириб, аҳолига етказиб бераётганидан мамнун. Ҳар йили одамлар минглаб туп кўчатни боғбондан олиб кетишади, боғни парвариш қилишда маслаҳат сўрашади. Жуман ака халқ селекцияси усулида юқори ҳосил олишга ҳамиша қизиқиб келган. Қаерга борса, мевали дарахтларнинг кўчати ҳақида сўрашни унутмайди. Агар бозорда ўзига ёққан мевани кўриб қолса, албатта, унинг уруғи билан тажриба ўтказади. Пайванд қилади, натижа яхши чиқса кўпайтиради.

— Афсус, эътиборсизлик туфайли май ойида пишадиган, атласга ўхшаган олмаларимиз, 30-40 кило тош босадиган лалми тарвузларимиз йўқолиб кетди, — дейди Жуман ака. — Уларни ҳеч ерда учратмаяпман. Бозорларда ёмон кўчатни яхши деб сотаётган қаллобларни, ёввойи уруғларини мақтаётган мунофиқларни кўрсам, ачиниб кетаман.

«Сангзор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Оллоберди Чўтбоев қишлоқларда Жуман Нуримов сингари саховатпеша инсонлар кўплигини таъкидлади. Уларнинг бири мактаб, бири йўл қураяпти. Бири етим-есирларнинг тўйларини ўтказиб бераяпти.

**Пардабой
ТОЖИБОЕВ**

Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

Сарҳисоб

Манфаатлар уйғунлигига эришилса, ишга ижодий ёндашув бўлса, жамоада аҳиллик қарор топади. Касаба уюшмалари ана шундай мўътадил муҳитни қарор топтиришга ҳисса қўшиб келяпти.

Қамров янада кенгаяди

Поёнига етган йилда бирлашма кенгашининг раёсат йиғилишида вилоят ҳокими, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг вилоят бош бошқармаси ҳамда касаба уюшмалари ўртасида имзоланган «Вилоят меҳнаткашлари ва аҳолисининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича 2008-2010 йиллар учун тузилган ҳудудий келишув»нинг бир йиллик ижроси кўриб чиқилди. Қилинган ишлар сарҳисоби нималарга эришилгану қай соҳада оқсоқликка йўл қўйилганини таҳлил қилиш имкониятини берди.

Ўтган давр касаба уюшмалари ўз ваколатлари доирасида изчил фаолият юритганини тасдиқлади. Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, иш берувчиларнинг белгиланган меъёрларга амал қилишига эришилди. Биринчи ярим йилликда 213 та корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ўрганилиб, 610 та камчилик аниқланган ва уларнинг 526 таси жойида бартараф этилди. Ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга жамоат ташкилоти томонидан 18 та ҳуқуқий маслаҳат берилди. Вилоят бўйича жамоа шартномаларига меҳнат муҳофазасига тааллуқли 58934 та тадбир киритилиб, улардан 41305 тасининг бажарилишига эришилди. Бундай тадбирларга 1 миллиард 180 миллион 843 минг сўм маблағ сарфланди.

Ўтган йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари мутахассислари иштирокида «Аёллар қўлда юк кўтаришлари ва ташишлари бўйича йўл қўйиладиган чегаралари санитария нормалари»га асосан хотин-қизларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоялаш, ишловчи аёлларнинг меҳнат муҳофазаси, уларга иш жойларида меъёр, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратишни амалга ошириш бўйича ходимлар ва фаоллар билан ўқув-семинарлари ўтказилди.

Бирлашма кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси масаласи бўйича 18 нафар фуқаронинг аризалари кўриб чиқилди. Мурожаат этувчиларнинг 11 нафари ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар натижасида ногирон бўлган ёки боқувчисини йўқотганлардир. Касаба уюшмалари мурожаат этувчилар фойдасига 57 миллион 603 минг сўм миқдордаги товон ва нафақа пулларини ундириб берди. Мухтасар айтганда, меҳнат шарт-шароитлари, шаҳодатланган иш ўринларида ишлаш кафолати доимо касаба уюшмалари назоратида.

Шунингдек, мурожаатлар ҳам доимий эътиборда. Қўшработ тумани «Зармитан» қишлоғида яшовчи 9 нафар хотин-қизнинг бирлашма кенгашига мурожаатига кўра, уларга нописанд муносабатда бўлган иш берувчилар судга берилди. Охир-оқибатда, Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг ҳал қилув қарори билан адолат қарор топди. Ноҳақ ишдан бўшатилган аёлларнинг барчаси иш ўринларига қайтарилди, мажбуран бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар етгани учун товон пуллари ундириб берилди.

Самарқанд банк коллежида меҳнат қилаётган 7 нафар ходим аризаси ҳам касаба уюшмаларининг фаол аралашувини тақозо этди. Аризани ўрганиш жараёнида яна 4 нафар ходим манфаатига путур етгани аниқланиб, мазкур жамоадаги 11 нафар ходим кўрган моддий ва маънавий зарар иш берувчи томонидан қопланди.

Меҳнат жамоаларида «Меҳнат қонунчилиги бўйича йўл қўйилаётган хатолар, уларнинг сабаблари, меҳнат муносабатлари жараёнида келиб чиқаётган низолар, бундай тушунмовчиликларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар тўғрисида»ги семинарлар ташкил этилди. Бундай тадбирларда вилоят прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, Самарқанд савдо ва сервис институти раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчиларнинг маърузалари ташкил этилди.

Шунингдек, меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни дам олдириш жамоат ташкилоти вазифаларидан биридир. Ўтган фурсатда 1396 дона йўлланма харид этилди. Сиҳатгоҳ йўлланмаларининг 135 таси кўп болали ва кам таъминланган оилаларга бепул тақсимланди. 1236 та йўлланма меҳнаткашларга имтиёзли тарзда берилди. 67 нафар қишлоқ мактаблари ўқитувчилари Абдулла Авлоний номидаги санаторий-профилакторийда соғломлаштирилди.

Меҳнат аҳлини чиниқтириш асосий мезонга айланган. Вилоят аҳлининг 69744 нафари доимий ишлайдиган спорт секцияларига жалб этилган. Спорт тадбирларида 846,3 мингдан ортиқ меҳнаткашлар вакиллари иштирок этиб келяпти. Бу эса сиҳат-саломатлик гарови бўлмиш спортнинг ҳар бир оилага кириб бораётганидан далолатдир.

Жорий йилда бу борадаги ишлар қамрови янада кенгайиб бораверади.

Собиржон ЖАББОРОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири

Фаоллар ва ёшлар эътиборда

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Шаҳар корхоналари ва муассасаларида касаба уюшма ташкилоти ишини энг яхши ташкил этиш» кўрик-танлови ғолиблари ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг иқтидорли талабаларидан бир гуруҳини кенгаш стипендияси ва эсдалик совғалари билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Дастлаб уч босқичдан иборат «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси раиси», «Энг яхши касаба уюшма гуруҳ ташкилотчиси», «Энг яхши цех қўмитаси раиси», «Энг яхши комиссия раиси» номинациялари бўйича танлов ғолиблари фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Мазкур танлов Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан илк маротаба ташкил этилиб, эндиликда икки йилда бир марта ўтказиб келинади.

— Мазкур танлов касаба уюшма ташкилотларидаги илғор тажрибаларни аниқлаш ва оммалаштиришга қаратилган, — деди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раисининг ўринбосари, шаҳар Ёшлар кенгаши раиси Ғайрат Зунунов. — Бундан ташқари, ушбу тадбир маданий-маърифий, спорт ва ташкилий ишларни яхшилашга, меҳнаткашларни дам олдириш ҳамда соғломлаштиришга, шунингдек, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ғуломжон Ҳакимов, «Шарқ» НМАК касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Бугунги кунда касаба уюшмалари иш берувчи ва ходимлар ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаётгани кишини қувонтиради. Ўтган йили ишчиларимиз иш кийимлари билан 100 фоиз таъминланди. Бундан ташқари, уларнинг барчаси «Навбаҳор» санаторий-профилакторийси ва «Шарқ» оилавий пансионатида соғлиғини тиклашди. Ходимларнинг фарзандлари эса «Фазогир Гагарин» номидаги оромгоҳда ҳордиқ чиқардилар. Бир сўз билан айтганда, касаба уюшмамиз ишчиларнинг суянчиғига айланган. Ана шу омиллар танловда «Энг яхши касаба уюшма ташкилоти» деб топилишимизга сабаб бўлди.

Исломжон Ҳамроев, ЎзМУ талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда касаба уюшмалари мамлакатимизда юз бераётган демократик ўзгаришлар, янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда ишламоқда. Ёшларни маънан етук, жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш борасидаги ишлар, айниқса, диққатга сазовордир. «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси раиси» ва «Энг яхши касаба уюшма гуруҳ ташкилотчиси» номинацияларида ғолиб бўлганимиздан мамнунмиз. Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг 5 нафар аълочи ва жамоатчи талабасига «Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг стипендианти» гувоҳномаси, лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 10 нафар ўқувчисига эсдалик совғалари топширилганлиги ёшларимизни ҳурсанд қилди.

Нигора Аликулова, Тошкент давлат педагогика университети 4-босқич талабаси:

— Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг стипендиантлари сафидан жой олганимдан хурсандман. Келажакда етук мутахассис бўлиб етишишимда мазкур мукофотнинг аҳамияти катта бўлиши шубҳасиз.

Дилдора Эгамбердиева, Имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси:

— Коллежимизда яхши ўқиб, ҳунар эгаллашимиз учун барча шароит яратилган. Устозларимизнинг ғамхўрлиги ҳаётга қизиқишимизни орттирмоқда. Касаба уюшма ташкилотларининг рағбати мени беҳад қувонтирди.

Таъкидлаш жоизки, кенгаш стипендияси ҳамда эсдалик совғасига сазовор бўлганлар сони ҳозирга қадар 254 нафарни ташкил этади.

* * *

Шундан сўнг Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдан ташқари 7-мажлиси бўлиб ўтди. Унда шаҳар тармоқ касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг 5-конференциясини чақириш, унга делегатлар меъёрини белгилаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири Вали Кочкаров ҳамда бирлашма кенгаши раисининг ўринбосари Ғайрат Зунунов маъруза қилди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Етакчи минбари

Барқарорлик кафолати

Тизимимизда 9 та алоқа корхонаси, ташкилот ва филиаллар мавжуд. Уларнинг 8 таси нодавлат секторига қарашли. Ишчи-ходимлар манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини янада ошириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат хавфсизлигини амалдаги қонунчилик талаблари асосида олиб боришга интилаётганимиз касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослашга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Сирдарё филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида 2009-2011 йилларга мўлжаллаб имзоланган янги жамоа шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 35-42-моддалари талаблари бўйича тузилди ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсатининг 2007 йил 21 августдаги қарори билан тасдиқланган «Жамоа шартномаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби» асосида экспертиза қилиниб, бугунги кунда фаолиятимизни белгилаб олишда катта кўмак бермоқда.

Шунингдек, бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан нодавлат соҳаси корхоналарининг чекланган «Матбуот уюшмаси» жамияти, шу жамият бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамда «Inform Tech Servis» корхонаси ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2009-2011 йиллар учун имзоланган жамоа шартномаси ҳам кутилган натижани бермоқда. Чунки айнан жамоа шартномаси бу ташкилотларда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминламоқда.

Боз устига, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили учун тузилган жамоа шартномаларида аввалги ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар сақланган ҳолда қўшимчалар ҳам киритилишига эришдик. Масалан, тармоғимиз бўйича ўқув муассасаларини битирган ёш мутахассисларга корхона ҳисобидан мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан 3 баробаригача миқдорда компенсация тўланиши йўлга қўйилди.

Жамоа шартномасининг бажарилиши касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият йиғилишларида йилига икки марта муҳокама қилиб борилади. Бугунги кунга қадар 712 нафар ишчи-техник ходимларнинг навбатдаги меҳнат таътилига чиқиши муносабати билан уларга жами 72 млн. 640 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилди. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги учун 147 нафар ишчи-ходимга 8 млн. 363 минг 700 сўмлик тўловлар амалга оширилди. 219 нафар ходимимизнинг фарзандлари ёзги оромгоҳларда кўнгилли дам олишлари ва саломатликларини мустаҳкамлаши учун 12 млн. 610 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. 668 нафар ходимимизга эса 74 млн. 525 минг 600 сўм миқдорида қўшимча иш ҳақи тўланди.

Ишончимиз комилки, бундан буён ҳам фаолиятимизни такомиллаштириш соҳасида жамоа шартномалари барқарорлик кафолати бўлиб қолади.

Улуғбек ТАНИҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Тафсилот

Таълим ва фан ходимлари Хонобод шаҳар бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси таркибида 21 та таълим муассасаси, 13 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти мавжуд бўлиб, аъзолар сони 691 нафарни ташкил қилади.

Янги раис сайланди

Куни кеча шаҳардаги 5-умумтаълим мактабида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

— Таълим муассасалари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, ҳуқуқлари ва меҳнат шароитларини яхшилаш йўлида кейинги йилларда ижобий ишлар амалга оширилди, — дейди шаҳар бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Барнохон Солиева. — Ўқитувчиларга устама ҳақи бериш йўлга қўйилганлиги, директор фондининг ташкил этилиши аъзоларимизга кўтаринки руҳ бахш этмоқда. Боз устига, ўтган йилда 11 нафар аъзоларимиз йўлланмалар билан таъминланиб, турли сиҳатгоҳларда дам олиб қайтишди.

Йиғилишда туман ва бошланғич ташкилот фаолияти кенг муҳокама қилинди. Сайлов натижаларига кўра, бошланғич ташкилот раислигига Холидахон Ҳакимова бир овоздан сайланди.

Йиғилишда Андижон вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раисининг ўринбосари Ҳамидулло Матисаев иштирок этиб, келгусида касаба уюшма ташкилотлари кўпроқ қайси йўналишларга аҳамият бериши лозимлигига эътиборни қаратди.

Тадбирда касаба уюшма фаолиятига доир долзарб масалалар муҳокама қилиниб, қатнашчилар билдирган таклиф ва тавсиялар ҳаракат дастури учун асос қилиб олинди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Хабарлар

Минтақавий семинар

Бухорода минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро ҳамда Навоий вилоятларидаги вакиллари, касабақўм раислари, тармоқнинг масъул ходимлари қатнашдилар.

Тадбир иштирокчилари бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловлар йиғилишларини юксак савияда ўтказиш, касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашдаги асосий вазифалар ва юқори органлар қарорларининг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишди.

Семинарда савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга кенг ўрин берилиб, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Муҳокама

Касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш, 2009 йил якунларини чуқур таҳлил қилиш муҳим вазифалар сирасига киради. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилишида ана шу мавзуларга жиддий эътибор қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққан тармоқ раҳбарлари, етакчи мутахассислар, ҳуқуқшунослар галдаги вазифалар кўламини кенгайтириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясига эътиборни янада кучайтириш, ҳисобот-сайлов йиғилишларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ишлаб чиқилган Низом асосида ташкил қилиш юзасидан ўз таклифларини билдирдилар.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Юқори савияда ўтади

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашининг гуруҳ, цех ва бошланғич ташкилотларида 1 февралдан 25 мартга қадар ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ушбу тадбирни юқори савияда ўтказиш мақсадида вилоят кенгаши томонидан туман, шаҳар, тиббиёт бирлашмалари касаба уюшма қўмитаси раислари, цех, гуруҳ касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари иштирокида амалий ўқув-семинар ўтказилди. Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкилий бўлим мутахассиси Маҳамаджон Иноғомов ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш юзасидан тавсиялар берди.

Йиғилишда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Анвар Аҳмедов қатнашиб, барча ташкилот раҳбарларини ҳисобот-сайлов йиғилишларида фаол иштирок этишга чақирди.

Семинар якунида ҳисобот-сайловларни ўтказишга доир ҳужжатларнинг электрон варианти, услубий қўлланмалар иштирокчиларга тарқатилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2010-yil 23-yanvar № 10 (2735)

Сиз кутган учрашув

Ҳилола Ҳамидова 1978 йили Андижон вилоятида туғилган. Андижондаги Тўхтасин Жалилов номли санъат билим юртида, сўнг Тошкент давлат консерваториясида таҳсил олган. «Муҳаббат», «Дутор», «Шунчамиди?», «Булбул», «Севдим» каби қўшиқлари билан элга танилган.

ШИФОКОР бўлишни орзу қилган хонанда

— Катта бўлсам учувчи бўламан. Ўзимнинг самолётим бўлади. Унда бутун оламни айланиб чиқаман, — дейди Азиз.

— Мен эса прокурор бўламан. Қўшнимизнинг сигири билан дўстим Сирожнинг машинасини ўғирлаб кетган кишини тутиб сўроқ қиламан, — дейди Рашид.

Негадир, шу пайтгача даврага қўшилмай, қўлидаги кўғирчоғини маҳкам бағрига босганча бир чеккада ийманиб турган қизалоқ ҳам тилга киради:

— Улғайганимда зўр шифокор бўлиб, дунёдаги барча беморларни даволайман!

Индамас қизнинг жарангдор овозда айтган сўзлари дўстларига ҳам маъқул келди. Болалар улғайишди. Ҳар бири ўзлари орзу қилган йўлдан кетишди. Фақат Ҳилолага шифокор бўлиш насиб этмади... Суҳбатимиз шу ҳақда.

— Қарорингизни ўзгартиришингизга нима сабаб бўлди?

— Чиндан ҳам шифокор бўлишни ният қилардим. Онамга Фаттоҳхон Мамадалиев, Юнусқори Юсупов каби таниқли инсонлар устозлик қилган экан. Шу сабабми ёки қариндош-уруғларимиз орасида санъатга қизиқувчилар кўплиги учунми, санъат йўлини танладим.

Ёшлигимда дутор чалиб ашула айтсам ўзимга ёқмасди. Бунинг устига, жуда уятчан қиз бўлганман. Холам Ойгул Самиева ва поччам Расулжон Самиевнинг ансамбли орқали «Ўзбекистон — ватаним маним» танловида илк бор қўшиқ айтганман. Ўшанда поччам чиройли овозинг бор экан, ё қўшиқчиликни, ё тиббиётни танла деб шарт қўйган. Мен санъатни танладим. Бунга сира афсус қилмайман.

Ўшанда холам менга Ҳабиба Охунова, Муножот Йўлчиевага ўхшаб миллий қўшиқлар айтгин дегандилар. Эътибор берган бўлсангиз, кўп қўшиқларим миллий оҳангда ижро этилган.

— Репертуарингизда эстрада қўшиқлари ҳам бор-ку?

— Санъатга кириб келаётганимда икки йўлдан: миллий ва эстрада йўлидан бораман деб ният қилгандим. Пойдевор миллий бўлгани билан барибир замон тортиб кетар экан. Шунинг учун эстрада йўналишидаги қўшиқларни ҳам куйлаяпман. Шундай бўлса-да, устоз санъаткорларимиз Муножот Йўлчиева, Саодат Қобулованинг қўшиқларини севиб тинглайман, улардан ўрганишга ҳаракат қиламан.

— Кейинги пайтларда баъзи аёл хонандалар «Ёрим, сизни соғиндим», «Келмасангиз ўзимни бир бало қилиб қўяман», «Қоматингиз мени шайдо қилди» каби аслида эркаклар томонидан куйланиши лозим бўлган қўшиқларни ҳеч иккиланмасдан, андиша қилмасдан айтаётганига гувоҳ бўламиз. Сизнинг «Шунчамиди?» қўшиғингиз ҳам бундан мустасно эмас. Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Эътирозингиз ўринли, албатта. Чиндан ҳам Охунжон Ҳакимов қаламига мансуб ушбу қўшиқни устоз санъаткор Таваккал Қодиров маромига етказиб ижро этганини мумтоз мусиқамизнинг асил шайдолари жуда яхши билади. Аввалига, мана шу эътироз менда ҳам туғилганди. Бу фикрни устозим Абдуҳошим Исмоиловга айтганимда у киши: «Лутфий, Навоий, Машраб каби дунёга машҳур аждодларимизнинг ғазалларини куйга солиб, қўшиқ қилиб халқимиз кўнглидан жой олган аёл хонандаларимиз қанча!. Ҳамма гап қўшиқни қандай ижро этишда», — деди. Шу гапдан кейин бу қўшиқни куйлаганман.

— Хонандаларнинг тўйга чиқишига қандай қарайсиз?

— Албатта, тўйга чиқаман. Фақат кундузги тўйларга. Тўғриси, кечки тўйларга боришни хоҳламайман. Аслида, элюртнинг яхши кунларида, тўй-томошаларида хизмат қилиш катта-кичик санъаткорнинг орзуси десам, адашмаган бўламан. Ҳар қандай даврада ҳам қўшиқни мумтоз йўналишдан бошлайман. Чунки миллий қўшиқнинг юки бор.

— Қиз бола бошингиз билан шоу-бизнес оламига бош суқишга чўчимадингизми?

— Чиндан ҳам хаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Ҳаёт жуда мураккаб. Унинг қийинчиликларини энди ҳис қилаяпман. Бир танишим қўшиқ айтаётганимни кўриб, э, синглим, санъат йўлини бекор танлабсиз, бу даргоҳда не-не аждарҳолар борлигини ҳали билмайсиз-да, деганда ҳайрон бўлгандим. Мана энди аста-аста аждарларни ҳам кўраяпман. Бу оламда ортингиздан ғийбат юраркан, сизни чўктиришга, синдиришга ҳаракат қилишаркан. Лекин мен мақсадимдан оғишмасликка, ортга чекинмасликка, фақат олдга интилишга, ўз ўрнимга эга бўлишга ҳаракат қиламан. Айтадилар-ку «Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди» деб.

— Идеалингиз борми?

— Бир инсоннинг аёл хонанда ҳақида: «Мен шу аёлни ўзбек қизларининг, аёлларининг идеали деб ҳисоблардим. Лекин бир тўйда унинг оғзидан чиққан гапларни эшитиб, ундан ихлосим қайтди», — деганини эшитгандим.

Ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, ёшликдан қандай тарбия олган бўлса, шу бўйича умр кечиради. Аллоҳга беадад шукурким, оиламиздагиларнинг бари маданиятли.

— Орзуларингиз?..

— Ниятим — устоз санъаткор Муножот Йўлчиеванинг изидан бориш. Ўзбек санъатини юксак чўққиларга олиб чиқиш.

Назира БОЙМУРОДОВА суҳбатлашди

Саводхонлик байрами

Билимлар оламига йўл

Кеча пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Истиқбол фарзандлари» номли 84-боғчамактабда «Саводхонлик байрами» бўлиб ўтди.

Унда ўқувчилар турли бадиий лавҳалар ва қизиқарли чиқишлари орқали билим ва қобилиятларини намойиш этиб, тадбир иштирокчиларини мамнун қилишди.

— Ҳар бир устоз шогирдлари эришган муваффақиятни кўриб, қувонади. Фарзандларимизнинг билимдон ва соғлом бўлиб ўсиши ҳаммамиз учун муҳим. Ўқувчиларимиз келажакда юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшувчи баркамол авлод бўлиб етишишига ишонаман, — дейди 1-«а» синф ўқитувчиси Дилором Тўлахўжаева.

Тадбир сўнгида ўқувчиларга мақтов ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Жаҳонгир ЮНУСОВ олган суратлар

Спорт

Шахмат

ВАКИЛЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Ҳиндистонда давом этаётган «Parsvnath International» халқаро турнирида юртимиз шахматчилари тўққизинчи тур учрашувларини ўтказди. Унда халқаро гроссмейстер Саидали Йўлдошев мезбонлар вакили Моҳис Варанни мағлуб этиб, олти ярим очко билан пешқадамлар гуруҳига яқинлашиб олди. Нафиса Мўминова ҳам ҳиндистонлик Хари Балу устидан ғалаба қозонди. Марат Жумаев асосий рақиби – эронлик Эҳсон Магамига ютқазиб қўйган бўлса-да, совринли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.

Эркин кураш

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Боку шаҳрида кадетлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир якунланди. Мусобақада 58 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан умидли полвонимиз Муҳаммадсиддиқ Жўраев кумуш медал билан тақдирланди. Ўзбекистонлик эркин курашчилардан Сирож Ҳасанов, Олимжон Тошкенбоев, Саиджон Солиҳов ва Асланбек Гадоев кучли бешликдан жой олди.

Теннис

ДЕНИС УЧИНЧИ БОСҚИЧДА



Мелбурнда дунёнинг энг кучли ракетка усталари иштирокида ўтказилаётган «Катта дубулға» туркумига кирувчи Австралия очиқ чемпионатида Денис Истомин ўз фаолиятида илк маротаба ушбу турнирнинг учинчи босқичига йўлланма олди.

Дастлабки босқичда франциялик Жереми Шардини 6:2, 6:2, 6:0 ҳисобида мағлуб этган Д.Истомин навбатдаги беллашувни германиялик Михаэл Беррерга қарши ўтказди. Учрашув давомида қаттиқ қаршилик кўрсатган бўлса-да, немис теннисчиси ҳамюртимизнинг ғалабасини тан олишга мажбур бўлди. Ҳужумкор ўйин Д.Истоминга 7:5, 6:3, 6:4 ҳисобида зафар қучишга имкон берди. У кейинги босқичда Сербиянинг энг кучли теннисчиси Новак Джоковичга қарши кортга чиқади.

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига киритилган турнирда иштирок этаётган ҳамюртимиз Неъмат Шофайзиев ҳам ғалабали одимларини давом эттирмоқда.

Жуфтликлар баҳсида россиялик Владимир Поляков билан ҳамкорликда биринчи рақамли дуэтни ташкил қилган Н.Шофайзиев чорак финалда иорданиялик Езан Абу Даеҳ ва покистонлик Файзан Хуррамни 6:2, 6:1 ҳисобида мағлуб этди. Энди Н.Шофайзиев ва В.Поляков жуфтлиги финалга чиқиш учун сириялик Амир Наов ҳамда кувайтлик Муҳаммад Ризога қарши кортга чиқади.

Футбол

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

2010 йилги футбол мавсумида Тошкентнинг «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари Осиё чемпионлар лигасида, Қаршининг «Насаф» жамоаси ОФК кубоги мусобақасида бош соврин учун курашади. Ушбу клублар расмий учрашувларга пухта ҳозирлик кўриш учун дастлабки ўқув-машғулот йиғинини Бирлашган Араб Амирликларида ўтказди.

«Бунёдкор»нинг асосий таркиби илк ўртоқлик учрашувини Украина чемпионатида совринли ўринлар учун курашаётган Харковнинг «Металлист» жамоасига қарши ўтказди. Баҳсда ҳужумкор ўйин кўрсатган юртдошларимиз 1:0 ҳисобида зафар қучди. Ягона голга «Бунёдкор»нинг янги ҳужумчиси – македониялик Стевица Ристич муаллифлик қилди.

«Бунёдкор»дан ташқари «Пахтакор» ва «Насаф» футболчилари ҳам «Металлист»га қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушган эди. Пахтакорчилар Станислав Андреев томонидан киритилган ягона гол эвазига украиналикларни доғда қолдирдилар. Шунингдек, «Пахтакор» сўнгги ўртоқлик учрашувида мезбон жамоа — «Аш-Шабаб» дарвозасини жавобсиз уч марта ишғол қилиб, мавсумга пухта ҳозирлик кўраётганини тасдиқдан ўтказди.

«Насаф» футболчилари эса Шаржада ташкиллаштирган бир ҳафталик машғулотлардан сўнг «Металлист»га қарши синов-назорат учрашувини ўтказдилар. Муросасиз баҳсда қаршиликлар рақибга кичик ҳисобда имкониятни бой берди.

Нарзулла МАХАМОВ тайёрлади

Спорт

Билиб қўйган яхши

Агар жигарингиз безовта қилса...

Деярли ҳар бир ҳовлида петрушка ўсади. Хуштаъм ва фойдали бу кўкат икки йиллик ўсимлик бўлиб, соябонгуллилар оиласига мансуб. Кўпчилик петрушкани зиравор сифатида билади. Аммо у доривор хусусиятларга ҳам эга.



Петрушканинг барглари, илдизи, уруғи, табобатда қадрланади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино петрушка ҳақида шундай ёзган: «Энг кучлилари тоғларда ўсадиган хилидир. Ел ва кўпчишни тарқатувчи, тиқилмаларни очувчи, терлатувчи, оғриқларни тўхтатувчидир. Шиллиқли ўсмаларнинг бошланишида уларни шилдиради; қаттиқ ва иссиқ шишларни шимитади. Йўталга фойда қилади. Жигар ва талоқ учун фойдали. Шимитувчанлиги сабабли кекирикни қўзғатади. Петрушканинг уруғи қовурилмаган бўлса, кўнгилни айнитади ва қустиради... Тоғ петрушкаси тошни майдалайди...».

Петрушка таркибида аскорбин кислотаси, эфир мойи, минерал тузлар бор. Томири, уруғи, баргларида B_1, B_2, PP, A (каротин) витаминлари, фолий кислота сақлайди. Витаминларни сақлаш бўйича сабзидан кейин иккинчи ўринда туради. Таркибида яна карбон сувлар, пектин, қанд, темир, магний, фосфор, калций сингари моддалар бор.

Ана шу моддалар туфайли петрушка бир талай хасталикларни даволашда қўлланади. У иштаҳани очади, таом ҳазмини яхшилайди. Халқ табобатида кўп хасталикларни даволашда қуйидаги дориномалар тавсия этилади:

* Пешоб йўллари тизими шамоллаганда ва қон томирларини мустаҳкамлашда петрушка ва сабзи ширалари аралашмаси (1:3 нисбатида) яхши наф беради. Бунда бир қошиқдан нонушта ва тушлик пайтида 2 маҳал ичилади.

* Камқонликда кунига петрушка билан қора нонни ейиш керак. Шу билан бирга, узум шарбатини қўшиб ичиш тавсия этилади.

* Буйрак фаолиятини яхшилашда, цистит бўлганда петрушка барги дамламаси фойда қилади. Бунинг учун 8 дона янги узиб олинган, майдаланган барг 2 стакан қайноқ сувда дамланади. 15 дақиқагача қўйиб, идиш қопқоғи ёпилади. Сўнг илиқ ҳолида дока орқали сузилади ва 3 қошиқдан 4 маҳал ичилади.

* Жигар хасталигига мубтало бўлганда 800 грамм ўсимликнинг кўк қисми майдаланади. Сирли идишга солинади ва устига сут қуйилади. Паст оловда миқдори 2 марта камайгунча қайнатилади. Тайёр бўлгач, совутилади, бир қошиқдан кунига 7-8 марта ичилади.

* Кўриш қобилиятини яхшилашда бир қошиқ петрушка қўкатига 200 мл. қайноқ сув қуйилади. Паст оловда 30 дақиқа қайнатилади. Совуғач, сузилади. Кейин ҳар куни 2 қошиқдан 3 маҳал таомдан олдин истеъмол қилинади.

* Лат еган жойга барглари майдаланиб, бозиллатма қилинса, оғриқ босилади, кўкарган жойлар йўқолишига эм бўлади.

* Газандалар чаққан жойга петрушка барглларини обдон эзиб, суви суртилса, тез орада заҳрини олади.

* Буйрак тоши касаллигида петрушка илдиз-поя дамламаси наф беради. Бунинг учун 400 мл. қайноқ сувга бир қошиқ қуритилган, майдаланган илдизи солинади. 2 соат мобайнида дамланади ва сузилади. Тайёр бўлган дамламадан кунига уч стакандан 3 маҳал ичилади.

* Простатитга чалинган кишиларга петрушка илдизининг янги сиқиб олинган ширасси яхши наф келтиради. Ундан 2 қошиқчадан 3 маҳал 20 кун ичилади. Сўнг 10 кун танаффус қилинади ва муолажа такрорланади.

* Ошқозон-ичак хасталиги ва қорин дам бўлганида петрушканинг 20 грамм уруғига 200 мл. совуқ сув қуйилади. 30 дақиқа паст оловда қайнатилади. Кейин ҳар куни бир қошиқдан 3 марта таомдан олдин ичилади. Пировардида, бу қайнатма ошқозон ости бези фаолиятини яхшилайди, кислород билан таъминлайди, қон айланиш фаолиятини уйғунлаштиради.

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳомиладор аёлларга петрушка ширасини ичиш тавсия этилмайди. Яна буйрак хасталиклари (нефрит, ўткир цистит, шамоллаш)га дучор бўлган кишиларга, бош оғриғида петрушка ширасини ичиш ман қилинади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Курортлар бошқармаси жамоаси бошқарманинг етакчи мутахассиси Т.Шоакбаровга турмуш ўртоғи

Мастура ШОАКБАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e`lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: D.Rahmonova
Navbatchi: A. Abdullayev
Musahhih: S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 02.40

Буюртма Г — 53

19514 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2345